

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАМОВА НАРГИЗА КАРИМОВНА

**ҲОМИЛА ИЧИ РИВОЖЛАНИШИДАН ОРҚАДА ҚОЛИШНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09. – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ходжамова Наргиза Каримовна

Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг клиник-иммунологик
ва генетик механизмлари ва чақалоқларни даволашни оптималлаштириш 3

Ходжамова Наргиза Каримовна

Клинико-иммунологические и генетические механизмы задержки
внутриутробного развития и оптимизация лечения новорожденных..... 21

Khodjamova Nargiza Karimovna

Clinical and immunological and genetic mechanisms of intrauterine growth
retardation and optimization of treatment of newborns..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАМОВА НАРГИЗА КАРИМОВНА

**ҲОМИЛА ИЧИ РИВОЖЛАНИШИДАН ОРҚАДА ҚОЛИШНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09. – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Раҳманқулова Зухра Жандаровна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шарипова Мадина Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс (99871) 262-33-14, e-mail: tashpmi@gmail.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс (99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолиш (ХРОҚ) замонавий тиббиётнинг ечими топилмаган муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Охирги 10 йилликда неонатал давр касалликлари орасида ХРОҚ ҳам етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Европада 6,5%, Марказий Осиё давлатларида 31,1%, Россия давлатида эса 2,4% дан 17% гача кузатилади¹. Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда перинатал касалланиш 47-50%ни ташкил этади. Сўнги йилларда перинатал ўлим тизимида ХРОҚ муддатига етмай туғилишдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Перинатал даврнинг ушбу патологияси чақалоқларни ташқи муҳитга мослашувини қийин кечиши, уларда бош мия, юрак-қон томир ва бошқа тизимлар фаолиятининг бузилиши, йирингли-септик асоратлар билан кузатилади.

Жаҳон миқёсида ХРОҚни клиник жиҳатидан оғир кечишини, айниқса муддатига етмай туғилган чақалоқлар орасида учрашини, болалар ҳаёти сифатини пасайишига олиб келишини инobatга олган ҳолда уларда мослашув имкониятларини, ёндош касалликлар, асоратларни аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан, ХРОҚнинг симметрик ва асимметрик турини ривожланишида башоратловчи аҳамиятга эга бўлган антенатал ҳамда генетик хавф омиллари ўрнини ва ушбу чақалоқларда яллиғланишни келтириб чиқарувчи, яллиғланишга қарши цитокинлар ва апоптоз омиллари миқдорини аниқлаш ва уларга кўрсатилаётган даволаш тактикасини оптималлаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда ҳамда уларда кузатиладиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “.....оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларни сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш”² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш гўдакларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини янги босқичга кўтариш, оила ва жамиятда соғлом муҳитни яратиш, шу жумладан,

¹World health statistics 2013. WHO Library cataloguing-in-Publication Data.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

ХРОҚга олиб келувчи клиник, генетик ва иммунологик хавф омилларини, неонатал даврни ўзига хослигини аниқлаш, даволашни оптималлашган усулларини ишлаб чиқиш натижасида касалланиш ва асоратларни камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2650-сон “2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишига олиб келувчи сабаблар, ушбу патология билан туғилган чақалоқларда кузатиладиган касалликлар ва асоратларни ўрганишга қаратилган илмий ишлар педиатрлар диққат марказида бўлиши давом этмоқда. ХРОҚ – чақалоқларда кўп кузатиладиган патологик синдромлардан бири бўлиб, ҳомиладорлик даврида эмбрионал ривожланишнинг бошланғич фазасидан бошлаб ривожланувчи патологик жараёнлар оқибатида келиб чиқади. ХРОҚни ташхислашнинг Европа тажрибаси Slancheva B. (2013), Terri A. Levine. (2015), Cutland C.L. (2017) тадқиқотларида ўз аксини топган. Ҳиндистон олимлари Murki S. (2014), Sharma D. (2016) ХРОҚни Осиё минтақасида учраш частотаси ва сабабларини ўрганганлар. Охириги йилларда ушбу синдром билан туғилган чақалоқларда келгусида жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиш, перинатал касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари, ногиронликни ошиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Шевелькова Х.Х., 2016, Козлова Л.В., 2017).

ХРОҚ билан туғилган чақалоқларнинг аксарияти антенатал даврни, туғруқ жараёнининг нохуш кечиши натижасида оғир ва ўрта оғир даражадаги асфиксия ҳолатида туғилади ҳамда улар кўпинча реанимация чора-тадбирлари ўтказилишига муҳтож бўладилар (Фадеева Т.Ю., 2015, Замалева Р.С., 2016). Замонавий тасаввурларга кўра, онада ҳомиладорлик даврининг нохуш кечиши биринчи ўринда ҳомилада гипоксия ҳолатини келтириб чиқаради. Гипоксия эса, ўз навбатида, бир томондан асаб толаларини апоптоз йўли билан ўлимга олиб келувчи, бошқа томондан турли иммунологик бузилишларга келтириб чиқарувчи патологик жараёнларнинг бошланишига туртки бўлади (Гулиев Н.Д., 2015, Кириллова Е.А., 2017).

Республикада ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолиш муаммоси етарлича ёритилмаган. Ўзбекистонда тадқиқотлар ХРОҚни этиопатогенези (Ашурова Н.Г., 2015), ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларнинг юрак-қон томир тизимининг ҳолати (Носирова У.Ф., 2015) ва ушбу патологиянинг ривожланишида биокимёвий маркерларнинг аҳамияти (Акрамова Х.А., 2018) муаммоларини ўрганиш билан чегараланган. ХРОҚнинг ривожланишида муҳим антенатал хавф омиллари ва генетик омилларни роли ҳамда ушбу патологияли чақалоқларда кузатиладиган иммун бузилишларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Кўп йиллик олиб борилган кузатувлар, ХРОҚни мультифакториал касаллик эканлигини инобатга олган ҳолда, ушбу касалликга сабаб бўлувчи антенатал даврда кузатиладиган муҳим хавф омилларини аниқлашни талаб этади. ХРОҚнинг ривожланишига генетик омилларнинг, жумладан фолат алмашинуви генлари полиморфизми таъсирини ўрганиш тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас, бу мазкур муаммони янада ўрганишни талаб этади. Касаллик оқибатида келиб чиққан иммун номутаносиблик чақалоқларда турли касалликликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин (Шербин Н.А., 2014, Ни А.Н., 2015).

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу синдром билан туғилган чақалоқларни даволашни илмий асосланган ва оптимал усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун тақдим этилган диссертация иши долзарб ҳисобланади ва ушбу тадқиқот янги илмий натижаларга эришишга мўлжалланган, жорий этилиши эса клиник вазифалар ечимига эга бўлган ташхисот ва даволашнинг оптималлаштирилган усулларини ишлаб чиқилишига ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 3010 “Асфиксияда туғилган, ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда янги иммунокоррекция усулини ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг клиник-иммунологик ва генетик механизмларини аниқлаш ҳамда чақалоқларни даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг турли клиник вариантларини ривожланишига олиб келувчи муҳим антенатал хавф омилларини аниқлаш;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг келиб чиқишида фолат алмашинуви генлари MTHFR, MTR ва MTRR полиморфизмларининг ролини аниқлаш;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда яллиғланишни келтириб чиқарувчи, яллиғланишга қарши цитокинлар ҳамда апоптоз омиллари миқдори ўзгаришини ўзига хослигини аниқлаш;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда мослашув даврини ўзига хослиги, ёндош патологик ҳолатлар ва асоратлар тузилмасини баҳолаш;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда иммункоррекцияловчи даволаш тактикасини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 308 нафар янги туғилган чақалоқлар бўлиб, уларнинг 235 нафари ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган. Назорат гуруҳини 73 нафар муддатига етиб туғилган, гестация ёшига мос чақалоқлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида янги туғилган чақалоқларнинг қони ва зардоби генетик, иммунологик текширувларни олиб бориш учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, генетик, иммунологик, инструментал ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг симметрик ва асимметрик турлари ривожланишида антенатал давр хавф омилларининг прогностик муҳим эканлиги аниқланган;

турли клиник вариантли ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда фолат алмашинуви генларининг полиморф турларини юқори даражада учраши асосланган;

фолат алмашинувининг нохуш генотипига кирувчи уч нафар генларни биргаликда кузатилиши, икки ёки бир генни учрашига нисбатан ХРОҚнинг симметрик турини келиб чиқишини ошириши исботланган;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқларда, асосан симметрик турида, яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар орасида юқори номутаносиблик ва апоптоз омиллари ишлаб чиқарилишининг кучайиши аниқланган;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда клиник-иммунологик тадқиқотларнинг натижалари асосида даволаш чоратадбирлари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг симметрик ва асимметрик турлари ривожланишини башоратловчи антенатал хавф омилларини аниқлаш, мақсадга йўналтирилган даво-профилактика чоратадбирларини ўтказишга ёрдам беради;

ҳомиладор аёллар хавф гуруҳини шакллантириш учун, ХРОҚ ва унинг клиник турлари ривожланишини диагностик маркерлари фолат алмашинуви MTHFR, MTR, MTRR генларининг полиморфизмлари аниқланган;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар қонида яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбатини 0,4 ва 3,3дан ошиши инфекцияни ривожланиш хавфи мезони, 0,6 ва 19,2дан ошиши эса критик мезон бўлиб хизмат қилиши исботланган;

ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда иммунокоррегирловчи дори воситаси ликопадни оптималлаштирилган комплекс даволашда қўллаш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ХРОҚнинг иммунопатогенетик ва генетик механизмларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. ХРОҚнинг турли клиник вариантлари келиб чиқишида антенатал хавф омиллари, фолат алмашинуви генлари полиморфизмини ўрнини аниқлаш, иммунитетнинг цитокинлар ва апоптоз омиллари ҳолати, уларни антенатал хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлиги ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида амалий соғлиқни сақлашга ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда мақсадга йўналтирилган даво-профилактика чоратадбирларини олиб боришга имкон берувчи тавсиялар тақлиф этилган, бу ўз навбатида касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларни даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда иммунокоррекцияловчи терапия” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 ноябрдаги 8Н-р/160 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар клиник ҳолатини яхшиланиши, иммунологик кўрсаткичларни меъёрлашуви, касаллик асоратларини ва иқтисодий харажатларни камайтириш имконини беради;

тадқиқот давомида ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда иммункорригирловчи даволашни оптималлаштириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар 5-сон болалар касалхонаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 8Н-д/62-сон маълумотномаси). Амалиётга тадбиқ қилинган натижалар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлардаги иммун ҳолатни баҳолаш ва оптимал даво чораларини

қўллаш, стационарда даволаниш даврини, харажатлар сарфини камайтириш ва болалар ҳаёти сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 17 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолишнинг замонавий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари асосида ХРОҚга сабаб бўлувчи хавф омиллари, этиологияси, патогенези, ташхисоти, даволаш мезонлари ушбу касалликнинг замонавий ҳолатига кўра таҳлил қилинган. ХРОҚни келтириб чиқарувчи омиллар ва фолат алмашинуви бузилишига сабаб бўлувчи генлар ўрганилган амалий ва фундаментал тадқиқотлар натижалари бўйича маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолиб туғилган чақалоқларни клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишида қўлланилган асосий текширув материали ва махсус усуллари баён этилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ текширувлар 308 нафар чақалоқларда ўтказилган, улардан 235 нафари ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар. Назорат гуруҳига 73 нафар соғлом чақалоқлар бириктирилган. Барча ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: I асосий гуруҳ – 120 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар: 64 нафарида ХРОҚнинг симметрик, 56 нафарида асимметрик тури, II таққослов

гурухи – 115 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар: 46 нафаридида симметрик, 69 нафаридида асимметрик тури ташхисланган. Клиник тадқиқотлар гестацион ёшига нисбатан 10 перцентилдан кичик бўлган ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда ўтказилган. Текширув гурухларида клиник-анамнестик маълумотлар таҳлил қилинди. Чақалоқларни туғилгандаги умумий аҳволи Апгар, морфо-функционал етуклиги Баллард шкаласи ёрдамида баҳоланди.

Генетик тадқиқотлар: Гематология ва қон қуйиш ИТИДа (лаборатория раҳбари профессор Каримов Х.Ё., лаб. мудири профессор Бобоев К.Т.) олиб борилган. Текширилаётган материалдан ДНКни ажратиб олиш мақсадида «НекстБио» фирмасининг «АмплиПрайм РИБО-преп» реагентлар тўпламидан фойдаланилган. Фолат алмашинуви генларини ажратилган ДНКда аниқлаш мақсадида «SNP-экспресс» полимераза занжир реакцияси усули ўтказилган, ҳосил бўлган материал электрофорез усулида детекция қилинган.

Иммунологик тадқиқот: ЎзР ФА қошидаги Иммунология ва одам геномикаси институтида (лаб. мудири, профессор Камалов З.С.) фиколл-верографин градиентида периферик қондан лимфоцитларни ажратиб олиш (Boyum, 1968), CD95 моноклонал антитаналари ёрдамида (ООО Сорбент маҳсулоти, РФ, Москва) лимфоцитларнинг субпопуляциявий таркибини аниқлаш, қон зардобидида цитокинлар ишлаб чиқарилишини («Вектор-Бест» фирмаси, Новосибирск) ИФА усулида аниқлаш амалга оширилган.

Нейросонография ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ультра товуш текшируви 5-сонли шаҳар болалар шифохонаси шифокори Салихова З.Х. билан биргаликда ўтказилган. Олинган натижалар статистик таҳлили вариацион статистика усули ёрдамида таҳлил қилинди. Ўртача фарқлар ишончилиги Стьюдент (t) мезони асосида текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон (r) услубидан фойдаланиб олиб борилди. Кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқани аниқлаш учун Пирсонни χ^2 мезони ва 95% ишончилик оралиғидаги (OR) имкониятлар муносабатидан (CI) фойдаланилди.

Диссертациянинг **“ХРОҚнинг ривожланишида антенатал хавф омиллари ва генетик омилларнинг аҳамияти”** деб номланган учинчи бобида ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда антенатал даврда кузатилган хавф омиллари ва уларнинг оналарини анамнези таҳлил қилинган. Тадқиқотларда антенатал хавф омиллари ва оналар касалликларини ХРОҚнинг клиник турлари ривожланишига таъсири ўрганилган. Оналарнинг касалликлари таҳлилларидан, сийдик-таносил тизими касалликлари ХРОҚнинг симметрик тури ривожланиш имкониятини 7,2 марта (OR =7,2; P<0,001), TORCH инфекциялари 4,4 марта (OR=4,4; P<0,001), юрак-қон томири касалликлари эса 3,8 марта (OR=3,8; P<0,05) оширганини кўриш мумкин. Оналарнинг анамнезида кузатилган ҳомила тушиш омили ХРОҚнинг симметрик тури ривожланиш имкониятини 6,5 марта (OR=6,5; P<0,001), ҳомилани тушиш хавфи 2,2 марта (OR=2,2; P<0,05), ЎРВИ эса 2,1 мартага (OR=2,1; P<0,05) оширган. ХРОҚнинг симметрик тури

ривожланишида энг муҳим омил бу преэклампсия бўлиб, у ушбу клиник турнинг ривожланиш имкониятини 16,2 мартага ($OR=16,2$; $P<0,001$) оширган. Ҳомила атрофи сувини ифлосланиши ҳам симметрик ҲРОҚнинг ривожланиш имкониятини 3,7 мартага ($OR=3,7$; $P<0,001$) кўпайтирган.

ҲРОҚнинг асимметрик тури ривожланиши имкониятини оширувчи хавф омилларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг оналарида кузатилган сийдик-таносил тизими касалликлари ҲРОҚнинг асимметрик тури ривожланиш имкониятини 5,1 мартага ($OR=5,1$; $P<0,001$), TORCH инфекциялар 3,5 мартага ($OR=3,5$; $P<0,001$), юрак-қон томир тизими касалликлари эса 2,6 мартага ($OR=2,6$; $P<0,05$) оширган. Оналарда кузатилган анемия ҲРОҚнинг асимметрик тури ривожланиш имкониятини 2,2 марта ($OR=2,2$; $P<0,05$), нормал жойлашган йўлдошни вақтидан олдин кўчиши эса 4,7 марта ($OR=4,7$; $P<0,001$) оширган. Шуни таъкидлаш лозимки, ҲРОҚнинг асимметрик тури ривожланишида ҳам энг муҳим омил бўлиб преэклампсия хизмат қилган ва у касалликнинг ушбу тури ривожланиш имкониятини 12,7 мартага ($OR=12,7$; $P<0,001$) ошириши аниқланган.

Шундай қилиб, ҲРОҚнинг симметрик тури ривожланишида преэклампсия, сийдик таносил касалликлари, ҳомиланинг тушиши, TORCH инфекциялар муҳим ўрин эгаллаган. Асимметрик турининг ривожланишида эса преэклампсия, сийдик таносил касалликлари, йўлдошни вақтидан олдин кўчиши, TORCH инфекциялар муҳим омил бўлган.

Ушбу бобда ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда MTHFR (C677T), MTRR (I22M), MTR (A2756G) генларининг тарқалишлар сони ва уларнинг полиморф турларини ўзаро боғлиқлигини баҳолаш акс этган. Генетик текширувлар I асосий гуруҳни ташкил этган 148 нафар ҲРОҚ билан туғилган чақалоқларда ўтказилган бўлиб, улар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинган: Ia – 85 нафар ҲРОҚни асимметрик тури билан, Ib – 63 нафар ҲРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда ҳамда II назорат гуруҳи - 151 нафар ҲРОҚ кузатилмаган чақалоқларда ўтказилган.

MTHFR rs1801133 гени полиморфизмининг кутилаётган ва кузатилаётган генотиплари сони Харди–Вайнберг мувозанати бўйича таҳлил қилинганда статистик фарқ $N_{obs}=0,5$ $N_{exp}=0,45$ га қарши эканлиги, шунга кўра, $D=+0,11$ аниқланган. Бу ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларнинг 50% функционал нохуш T аллелини гетерозигота ҳолида ташишини кўрсатади, назорат гуруҳида эса аксинча, C/T гетерозигота генотипининг бироз танқислиги (0,29/0,35; $p=0,1$) аниқланган. Асосий гуруҳ чақалоқларининг N кўрсаткичи юқори ижобий аҳамият касб этган ҳолда, яъни ($N=+0,11$) >0дан юқори бўлган. Демак, MTHFR гени rs1801133 полиморфизмининг C/T гетерозиготали генотипи ҲРОҚни ривожланишига таъсирини башоратлаш имконини беради (фолат алмашинуви бузилиши оқибатида). Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда rs1801133C ёввойи аллеллари сони назорат гуруҳи болаларига нисбатан 1,2 марта кам. Асосий гуруҳда функционал нохуш T аллеллар сонини назорат гуруҳи билан таққослаганда 1,5 марта кўп эканлиги аниқланган (33,8%га

20,2%). Ёввойи аллеллар сони ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалокларда, симметрик турига нисбатан кўпроқ учраган. Функционал нохуш Т аллеллар сони эса, аксинча, ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалокларда асимметрик турига нисбатан 1,2 баробар кўп кузатилган (36,8%га 31,8%). Т1801133 аллели сонини Ia и Ib гуруҳлари ва назорат гуруҳида бир-биридан статистик муҳим фарқи кузатилган бўлиб ($\chi^2=7,9$; $p=0,005$; OR=1,8; ва $\chi^2=12,6$; $p<0,05$; OR=2,3), бу эса, нохуш Т1801133 аллели сонининг ортиши ҳомилада фолат статусининг пасайиши ва витамин танқислик ҳолати билан узвий боғлиқлигидан далолат беради.

МТНFR генининг rs1801133 полиморфизми генотиплари сонини асосий ва назорат гуруҳидаги таҳлили, улар орасида статистик фарқ борлигини кўрсатади. Тадқиқот ўтказилаётган асосий гуруҳ чақалокларида С/С, С/Т ва Т/Т генотипик турларининг сони 41,2%, 50,0% ва 8,8% ни, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 62,2%, 35,1% ва 2,6% ни ташкил этган. МТНFR генининг rs1801133 полиморфизми ХРОҚ ривожланиши хавфини С/Т генотипида 1,8 марта ($\chi^2=6,7$; $p=0,01$), Т/Т генотипида эса 3,5 марта ($\chi^2=5,2$; $p=0,02$) оширган.

МТНFR генининг rs1801133 полиморфизми генотиплари сонини аниқлаш ХРОҚнинг клиник турлари ва назорат гуруҳи орасида таққосланганида ҳам муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлган ($\chi^2>3,8$; $p<0,05$). ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалокларда, назорат гуруҳига нисбатан нохуш аллел тутувчи гетеро ва гомозигота генотиплари сонининг ишончли ортиши ($\chi^2=4,6$; $p=0,03$; ва $\chi^2=6,5$; $p=0,01$) ҳамда ёввойи аллел тутувчи С/С гомозигот генотипининг камайиши ($\chi^2=10,5$; $p=0,001$; OR=0,4;) кузатилган. ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалокларда эса, назорат гуруҳига нисбатан нохуш Т/Т гомозигота генотипини ($\chi^2=2,6$; $p=0,1$; OR=2,8;) 2,8 марта ошгани аниқланган.

Шундай қилиб, МТНFR генининг rs1801133 полиморфизми тарқалиш тавсифининг таҳлили, ҳомиланинг ривожланиш давридаги жиддий бузилишларини келиб чиқиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади ва фолат алмашинуви бузилишининг патогенетик механизмида rs1801133Т аллелининг қатнашишини исботлайди.

Асосий ва назорат гуруҳи чақалоклари орасида ўтказилган МТRR генининг rs1801394 полиморф генотиплари сонини таққослаш, улар орасида ишончли фарқ борлигини кўрсатди. Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалокларда (асосий гуруҳ) ёввойи аллел тутувчи I/I генотиби сони назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар кам (33,8%га 49,7%). Функционал нохуш М аллелини тутувчи М/М гомозиготали генотиби сони асосий гуруҳда 17,6%ни, назорат гуруҳида эса 15,9%ни ташкил этди. Тадқиқот натижаларидан кўринадики, МТRR генининг I/M гетерозиготали генотиби асосий гуруҳ чақалокларида назорат гуруҳи чақалоклари билан таққослаганда 1,4 баробар ошган (48,6%га 34,4%). ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалокларда нохуш М аллелини тутувчи гомо - М/М ва гетерозиготали I/M генотиплари назорат гуруҳига нисбатан 1 баробар

ошганини, ёввойи I аллелини тутувчи I/I гомозиготали генотиби эса камайгани кузатилди. ХРОҚни симметрик тури билан туғилган чақалоқларда эса патологияни ривожланишида нохуш М аллелини тутувчи М/М гомозиготали генотип таъсирини ошиб боришини, I/M гетерозиготали генотип эса назорат гуруҳига таққослаганда ишончли ошгани аниқланди.

Демак, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, функционал нохуш (М) аллели асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишончли 1,2 баробар ошганини, ёввойи (I) аллелини эса камайгани аниқланди. MTRR генининг rs1801394 полиморф генотиплари сонини асосий ва назорат гуруҳи чақалоқлари орасида таққослаш (I/M) гетерозиготали генотипни асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,4 баробар ошганини кўрсатди.

MTR гени полиморфизми тахлили натижаларидан кўринадики, MTR генининг ёввойи А аллелини тутувчи А/А гомозиготали генотиби асосий гуруҳ чақалоқларида назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар кам (66,9%га 52,7%). Шу билан бир қаторда, функционал нохуш G аллелини тутувчи (G/G) гомозиготали генотиби асосий гуруҳ чақалоқларида назорат гуруҳи чақалоқларига нисбатан 1,8 баробар, (A/G) гетерозиготали генотиби эса 1,4 баробар ортиқлиги аниқланди. MTR генинг rs1805087 полиморфлигининг нохуш генотиплари ушбу патологияни ривожланиш хавфини гетерозиготали генотипда 1,6 баробар, гомозиготали генотипда эса 1,9 баробар оширади.

Ҳомилада ХРОҚнинг ривожланишида генларнинг уйғунлигини аниқлаш мақсадида, асосий ва назорат гуруҳи чақалоқларида “генларнинг ўзаро муносабати” таҳлил қилинди. Икки нафар функционал нохуш MTHFR+MTRR генларини ташиш асосий гуруҳ чақалоқларида назорат гуруҳи чақалоқларига нисбатан 1,9 марта кўп кузатилган (31,1%га 19,2%; $\chi^2=5,6$; $P=0,02$;). Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда уч нафар функционал нохуш (MTR+MTRR+MTHFR) генларни ташишлар сони назорат гуруҳига нисбатан 7,2 марта ортиқ (23,0%га 4,0%,) эканлиги аниқланди. Уч нафар функционал нохуш генларни ташиш, бошқа генлар комбинациясига нисбатан, ХРОҚни симметрик тури ривожланиш хавфини ишончли 4,6 баробарга ($\chi^2=8,0$; $P=0,004$;.) оширади.

Диссертациянинг “**Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда цитокинларнинг ўзига хос хусусиятлари ва апоптоз омилларининг тавсифи**” деб номланган тўртинчи бобида ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда ўтказилган иммунологик тадқиқотлар натижалари акс эттирилган. Иммунологик тадқиқотлар 122 нафар чақалоқларда ўтказилди: I асосий гуруҳ – 58 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар, II таққослов гуруҳи – 45 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар, III назорат гуруҳи – 19 нафар соғлом болалар. Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар қонида яллиғланишни келтириб чиқарувчи (ИЛ-1 β , ИЛ-8; 2,6; ва 3,6 баробар ошади, ИФН- γ 1,5 баробар камаяди) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4 2,3 баробар пасаяди) орасида муҳим номутаносиблик аниқланди. Ҳомила ичи

ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар периферик қонида, назорат гуруҳи чақалоқларига нисбатан апоптоз омиллари ИЛ-18 цитокини концентрациясини 2,5 баробарга, CD95⁺-хужайралари миқдорини эса 1,2 баробарга ортиши кузатилди.

Шу билан бир қаторда, тадқиқотларимизда цитокинлар ва апоптоз омилларининг ҳолати ХРОҚнинг клиник турларига кўра таҳлил қилинди.

Асосий гуруҳдаги ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқлар периферик қонида яллиғланишни келтириб чиқарувчи цитокин ИЛ-1β миқдори, ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалоқларга нисбатан юқори ($P < 0,001$) эканлиги аниқланди ($525,5 \pm 8,8$ пг/млга $501,5 \pm 6,9$ пг/мл). Таққослов гуруҳи чақалоқларида ушбу кўрсаткичлар бўйича ишончли фарқ кузатилмади. Аммо асосий ва таққослов гуруҳларидаги чақалоқларда ХРОҚнинг клиник турлари орасида ИЛ-1β кўрсаткичида ($P < 0,001$) ҳам ишончли фарқ кузатилди. Текширувларимиз шуни кўрсатдики, иккала гуруҳ ичида ХРОҚнинг симметрик ва асимметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонида яллиғланишни келтириб чиқарувчи цитокин ИЛ-8 миқдорида ишончли ($P < 0,001$) фарқ аниқланди: асосий гуруҳда $699,2 \pm 13,1$ пг/млга $637,8 \pm 15,7$ пг/мл, таққослов гуруҳида $566,6 \pm 17$ пг/млга $506,2 \pm 17,1$ пг/мл. Асосий гуруҳдаги ХРОҚнинг симметрик ва асимметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонидаги ИЛ-8 миқдори, таққослов гуруҳидаги шунга ўхшаш чақалоқлар қонидагига нисбатан 1,2 баробар юқорилиги ($P < 0,001$) аниқланди.

Асосий ва таққослов гуруҳидаги ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда яллиғланишга қарши ИЛ-4 цитокинини периферик қондаги миқдори асимметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонидаги миқдorigа нисбатан 1,3 баробарга ($P < 0,001$) камайгани аниқланди, яъни асосий гуруҳда $23,9 \pm 1,4$ пг/млга $30,1 \pm 1,7$ пг/мл, таққослов гуруҳида $25,1 \pm 1,9$ пг/млга $29,2 \pm 1,8$ пг/мл.


Апоптоз жараёнларини жадаллаштирувчи ИЛ-18 миқдори асосий гуруҳдаги ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонида, таққослов гуруҳидаги ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонидагига нисбатан ишончли тарзда ошгани кузатилди ($166 \pm 6,3$ пг/млга $149,1 \pm 7,7$ пг/мл). Шунга ўхшаш ИЛ-18 миқдори асосий гуруҳдаги ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонида, таққослов гуруҳидаги ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалоқлар қонидагига нисбатан ошгани аниқланди ($153,8 \pm 7,4$ пг/млга $129,2 \pm 6,2$ пг/мл). Апоптоз омили CD-95⁺ миқдорини таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги симметрик тур билан туғилган чақалоқлар қонида ушбу омил асимметрик тур билан туғилган чақалоқлар қонидагига нисбатан ишончли ($P < 0,001$) кўпайган ($32 \pm 1,4$ пг/млга $27,3 \pm 1,7$ пг/мл).

Демак, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар қонида яллиғланишни келтириб чиқарувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар орасида муҳим номутаносиблик аниқланди. Шунини эътироф этиш лозимки,

ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда иммун хужайралар орасидаги номутаносиблик яққолроқ намоён бўлди. Апоптоз омиллари ИЛ-18 ҳамда CD95⁺-хужайраси ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда ХРОҚнинг клиник турларини инобатга олган ҳолда, антенатал даврда кузатилган хавф омиллари ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида, Пирсоннинг ўзаро муносабатларни математик таҳлили мезонларидан фойдаландик (1-расм).


ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда цитокин ИЛ-1 β ва ИЛ-8 цитокинлари ҳамда онадаги преэклампсия ($r=+0,8$) ва фетоплацентар етишмовчилик ($r=+0,7$) ўртасида кучли тўғри алоқа аниқланган.



1-расм. ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқлардаги иммунологик кўрсаткичлар ва антенатал хавф омиллари ўртасидаги корреляцион муносабатлар.

Яллиғланишга қарши ИЛ-4 цитокини ва фетоплацентар етишмовчилик ($r=-0,4$) ҳамда преэклампсия ($r=-0,4$) ўртасидаги муносабатлар таҳлили, улар орасида ўртача кучдаги тесқари алоқа борлигини кўрсатди.

ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалоқларда иммунологик кўрсаткичлар ва антенатал хавф омиллари ўртасидаги муносабатлар таҳлили шуни кўрсатдики (2-расм), цитокинлар ИЛ-1 β , ИЛ-8 ва CD95⁺ ҳамда пиелонефрит, ҳомилани вақтидан олдин тушиш хавфи, фетоплацентар етишмовчилик ва преэклампсия ўртасида ўртача кучдаги тўғри алоқа борлиги аниқланган.



2-расм. ХРОҚнинг асимметрик тури билан туғилган чақалоқлардаги иммунологик кўрсаткичлар ва антенатал хавф омиллари ўртасидаги корреляцион муносабатлар.

Демак, ХРОҚнинг симметрик тури билан туғилган чақалоқларда асимметрик тури билан туғилган чақалоқларга нисбатан антенатал даврнинг бир қатор хавф омиллари иммун кўрсаткичлар билан кучлироқ корреляцион ўзаро муносабатда эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда неонатал даврнинг ўзига хос кечиши ва иммункорригирловчи терапияни клиник-иммунологик асослаш**” деб номланган бешинчи бобида клиник текширувлар ва ўтказилган иммункоррекцияловчи терапия натижалари акс эттирилган. Клиник тадқиқотлар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқларда ўтказилди, улар қуйидаги гуруҳга бўлиб ўрганилди: I асосий гуруҳни - 120 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган, асфиксияда туғилган чақалоқлар, II таққослов гуруҳини - 115 нафар ҳомила ичи ривожланишидан орқада қолган чақалоқлар ташкил этди.

